Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 69 (6. 858) ◉ 1989 йил 23 март, пайшанба ◉ Баҳоси 3 тийин

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◉ **КПСС Марказий Комитетининг миллатлараро муносабатларга бағишланадиган Пленумига тайёргарлик планига мувофиқ 21 март куни КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгаш ҳақида расмий ҳисобот эълон қилинган. Кенгашда миллатлараро муносабатларни тартибга солиш соҳасида қонунларни такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.**

◉ **«Қисқариш: одамлар ва рақамлар» — «Правда» газетасининг кеча матбуотда эълон қилинган СССР Олий Совети Президиумининг «1989—90 йиллар мобайнида СССР Қуролли Кучларини қисқартириш ва мудофаа харажатларини камайтириш тўғрисида»ги Фармонига бағишланган мақоласи ана шундай номланади.**

# Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Идеология комиссиясида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Идеология комиссияси тил муаммоларини ўрганиш ва халқ байрамлари ҳамда маросимларини тиклаш муаммолари юзасидан ишчи группалари составини тасдиқлади.

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИДЕОЛОГИЯ КОМИССИЯСИНИНГ ТИЛ МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ ИШЧИ ГРУППАСИ

**Юсупов** Эркин — СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, Ўзбекистон ССР Олий Совети миллатлараро муносабатлар ва интернационал тарбия масалалари комиссиясининг раиси, раис.

**Асфандиёров** Ильгиз Усмонович — Тошкент Олий партия мактаби тиллар кафедрасининг раҳбари, филология фанлари доктори, профессор.

**Бельдиян** Валерий Михайлович — республика рус тили ва адабиёти педагогика институти миллий мактабларда рус тили кафедрасининг мудири.

**Зинин** Сергей Иванович — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тил ва адабиёт институтининг бўлим мудири.

**Камолов** Мамбет — Шевченко номли Нукус давлат университети қорақалпоқ тили ва адабиёти кафедрасининг мудири, филология фанлари доктори, профессор.

**Қаюмов** Азиз Пўлатович — Қўлёзмалар институтининг директори, филология фанлари доктори, профессор.

**Кенжабоев** Мирза — шоир.

**Қўчқортоев** Иристой — ТошДУ ўзбек филологияси факультетининг декани, филология фанлари доктори, профессор.

**Ли** Надежда Николаевна — Тошкент давлат педагогика институти корейс тили секциясининг мудири.

**Маҳмудов** Низомиддин — Тошкент давлат педагогика институтининг кафедра мудири, филология фанлари доктори, профессор.

**Мирқурбонов** Насрулло Мирсултонович — Халқ таълими министрлиги республика методика марказининг директори.

**Меметов** Айдер — Тошкент давлат педагогика институти кафедра мудири, умумий тилшунослик кафедрасининг доценти.

**Назаров** Бахтиёр — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тил ва адабиёт институтининг директори, филология фанлари доктори.

**Оразов** Меирбек — Тошкент давлат педагогика институти қозоқ филологияси профессори, филология фанлари доктори.

**Рустамов** Алибек — республика рус тили ва адабиёти педагогика институтининг кафедра мудири, филология фанлари доктори, профессор.

**Саъдуллаев** Давлатдин Самиевич — ТошДУ рус тили кафедрасининг мудири.

**Саидов** Акмал — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг сектор мудири.

**Саломов** Ғайбулла — ТошДУ кафедра мудири, филология фанлари доктори.

**Сафоев** Содиқ Солиҳович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг сектор мудири.

**Умархўжаев** Мухтор Эшонхўжаевич — Андижон давлат тиллар педагогика институтининг ректори, филология фанлари доктори, профессор.

**Шаропов** Насритдин — Самарқанд университети тожик тили кафедрасининг мудири, филология фанлари доктори, профессор.

**Шукуров** Нуритдин — СамДУ ўзбек ва тожик филологияси факультетининг декани, филология фанлари доктори, профессор.

**Ёқубов** Шукурулло Насруллаевич — республика рус тили ва адабиёти педагогика институти КПСС тарихи кафедрасининг мудири, тарих фанлари доктори.

**Якубов** Лев Маневич — Тошкент давлат педагогика институти профессори вазифасини бажарувчи.

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИДЕОЛОГИЯ КОМИССИЯСИНИНГ ХАЛҚ БАЙРАМЛАРИ ВА МАРОСИМЛАРНИ ТИКЛАШ МУАММОЛАРИ ЮЗАСИДАН ИШЧИ ГРУППАСИ

**Умарбеков** Ўлмас Раҳимбекович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР маданият министри, раис.

**Абдуллаев** Рустам — композитор, Ўзбекистон композиторлар союзи правлениесининг секретари.

**Азимов** Усмон — ёзувчи, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи Тошкент бўлимининг масъул секретари.

**Алламуротов** Агинбой — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали Довқараев номли тарих, тил ва адабиёт тарихи илмий-тадқиқот институти амалий санъат секторининг мудири.

**Орипов** Абдулла — шоир, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари.

**Ғонбов** Наим Ёвқочевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси.

**Жалолов** Ғайрат Орипович — Тошкент давлат маданият институти кафедра мудири, филология фанлари доктори.

**Қодиров** Пиримқул — Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

**Кароматов** Файзулла Музаффарович — Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг Ҳамза номли санъатшунослик институти сектор мудири, санъатшунослик доктори.

**Мирзаев** Алишер — рассом, СССР Рассомлар союзининг аъзоси.

**Налбандов** Эдем Усеинович — композитор.

**Ниёзов** Шавкат — Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг аъзоси, «Ҳақиқати Ўзбекистон» газетасининг редактори.

**Равшанов** Мансур — Сурхондарё область музикали драма театрининг бош режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби

**Руденко** Александр Григорьевич — Узсовпроф секретари.

**Тўлахўжаев** Туроб (Туроб Тўла) — Ўзбекистон халқ шоири.

**Турдиалиев** Козимжон — КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий фанлар академияси илмий атеизм институтининг Тошкент шаҳридаги республикалараро филиалининг сектор мудири, тарих фанлари кандидати.

**Умурзоқова** Ойсара Пардаевна — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси философия ва ҳуқуқ институти директорининг ўринбосари, фалсафа фанлари доктори.

**Йўлдошев** Баҳодир Турсунович — «Ёш гвардия» театрининг бош режиссёри.

**Юнусов** Темур Малик — «Узбеккинохроника» студиясининг постановкачи режиссёри.

## 26 март—СССР халқ депутатлари сайлови куни



# Халққа фойдаси тегади

**Кечаги марказий газеталар хушхабар келтирди: республикамизнинг яна бир вакили — Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг раиси, «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газетасининг редактори А. Ғ. Мухторов СССР халқ депутатлигига муносиб кўрилибди. У СССР Журналистлар союзидан сайланган ўн депутатнинг бири бўлибди.**

Кейинги вақтларда «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газетаси ўқувчилари ундаги туб ўзгаришларни пайқамасликлари мумкин эмасди. Халқ дилидаги гаплар дангал айтилган, ярақлаб турган сарлавҳалари дарҳол нигоҳни тортадиган, деҳқонбоп тили ҳаммага маъқул тушадиган газета сонлари қўлма-қўл бўлиши бунинг исботидир.

Журналистлар «Аҳмаджон акани ҳақиқий газетачи», деб таърифлашлари бежиз эмас. Ишни Самарқанд область «Ленин йўли» газетасида корректорликдан бошлаган А. Мухторов редакторликкача бўлган ҳамма лавозимларни поғонама-поғона босиб ўтди, игна билан қудуқ қазиш — газета чиқаришнинг сир-асрорларини эгаллади. Шу билан бирга унинг истеъдоди Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетасида янги қирралари билан тўла намоён бўлганлиги ҳам аниқ. Моҳир дарғага катта кема даркор-да!

Икки тилда чиқадиган республика газетасига муҳаррирлик қилишнинг масъулияти ва юкини билиш учун аввал уларни елкага олиб кўриш керак. Аҳмаджон Ғуломович эса ўша серташвиш вазифасини Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг раиси жамоатчилик иши билан қўшиб олиб боряпти. Бу ижодий союзда сўнгги вақтларда рўй бераётган ижобий ўзгаришларни матбуот, телевидение, радио, нашриёт ходимлари амалда сезмоқдалар.

Союз аъзолари учун янги квартира ва дала ҳовлилари, лойиҳаси тайёр бўлаётган журналистлар уйи... Депутатнинг сайловолди платформасида, шунингдек, республиканинг хушманзара тоғ ёнбағирларидан бирида журналистлар учун дам олиш зонасини қуриш моддаси ҳам бор.

Ушбу программа асосини инсонпарварлик: аҳоли турли ижтимоий тоифалари турмуш даражасини, айниқса пенсионерларнинг моддий таъминотини яхшилаш, оилани мустаҳкамлаш, атроф-муҳитни соғломлаштириш каби халқчил масалалар ташкил этишини алоҳида таъкидлаш керак. А. Мухторов сайловчилари билан учрашувларда «Депутатлик мандати учун кураш—программалар, ваъдалар кўргазмаси эмас» деганди. У умуман гапдан кўра ишни яхши кўради.

Мамлакат ҳокимияти олий органида журналистлар вакили бўладиган Аҳмаджон Ғуломович «Агар депутат этиб сайлансам қатъий ваъда бераман: у ёки бу қарор қабул қилинаётганида овоз беришдан олдин халққа, сайловчиларимга фойдаси борми, деб обдон ўйлаб кўраман» ҳам деган. Унинг бу ваъдасида қатъий туришига ишонамиз.

**Э. МАДИЁРОВ.**



# Биринчи марта овоз берадилар

## Фоторепортаж

Кечки соат 19 да Студентлар шаҳарчасида жойлашган 10/151-сайлов участкасига етиб бордик. Ичкарида одамлар гавжум. Тошкент Давлат университети сиёсий иқтисод кафедрасининг ўқитувчиси, иқтисод фанлари кандидати пропагандист Зулфия Шамсиддинова биринчи марта овоз берувчи ёш сайловчилар билан сайловни ўтказиш тартиби тўғрисида суҳбатлашаётган экан.

Шаҳарчада 18 та сайлов участкаси жойлашган. Биз улардан кўпларида бўлдик. Бу жойларда ҳам 26 март — СССР халқ депутатлари сайловига қизғин тайёргарлик кетаяпти. Лекин биз тилга олган участкада олиб борилаётган тадбирлар, ранг-баранг мавзулардаги қизиқарли суҳбатлар, участканинг жиҳозланиши, умумий кўриниши билан бошқалардан ажралиб туради. 4-ётоқхонада жойлашган бу участкада ҳамма нарса сайловга тахт қилиб қўйилган.

Биз 94-ётоқхонада жойлашган ахборот-пропаганда марказида ҳам бўлдик. Бу ерда 37 та пропагандист сайловчилар ўртасида иш олиб бормоқда. Марказда раис ёрдамчиси, Тошкент Давлат университетининг фалсафа кафедраси катта ўқитувчиси М. Қобулова билан суҳбатлашдик.

— Пропагандистларимиз томонидан уч мингдан зиёд сайловчилар рўйхати олиб бўлинди. Шулар орасида биринчи марта овоз берувчилар 161 кишини ташкил этади. Мазкур сайлов кампанияси умумхалқ ва умумдавлат аҳамиятига эга. У XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, СССР Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган янги «СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисида»ги талаблари асосида ўтказилади.

Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ, 15 кун аввал сайловчиларнинг рўйхатлари танишиб чиқиш учун илиб қўйилди.

Сайлов куни овоз бериш маҳаллий вақт билан эрталаб соат 7 дан кечқурун 20 гача ўтказилади. Бунинг учун махсус хона ажратиб қўйдик. Шу ерда яширин овоз бериладиган кабиналар ташкил этилди.

Сайлов кунида, овоз бериш бошланишидан аввал сайлов қутилари комиссия аъзолари иштирокида текширилади, сурғучланади ёки беркитиб муҳр босилади. Қутиларни муҳрлаш пайтида меҳнат коллективларининг, жамоат ташкилотларининг, сайловчилар йиғилишларининг вакиллари, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари, шунингдек, матбуот, телевидение, радио намоёндалари ҳозир бўлишлари мумкин. Буларнинг ҳаммаси ташкилий масалалардан ўрин олган.

Марказда ва сайлов участкасида ёш сайловчилар А. Алиқулов, М. Аҳмедов ва С. Давлатовлар билан суҳбатлашдик.

— Биринчи марта овоз бериш бахтига эришганимиздан бениҳоя хурсандмиз. Айниқса, бу йилги сайловнинг чинакам ошкоралик ва демократия шароитида ўтаётганлиги бизни қувонтиради, — дейишди улар.

Биз марказдан чиққанимизда атрофга тун сепини ёйган эди. Лекин марказда ҳамон ҳаёт қайнар, одамлар гавжум, улар бир-бирига нималарнидир тушунтиришар эди.

**М. КОМИЛЖОНОВ.**

**СУРАТЛАРДА: сайлов участкаси ва ахборот-пропаганда маркази фаолиятидан лавҳалар акс эттирилган.**

**Х. Мирзакаримов** фотолари.



# ДИҚҚАТНИ ТОРТАДИ

Киров районидаги 104-мактаб-интернат биносига жойлашган 19/70-сайлов участкаси СССР халқ депутатлари сайлови кунига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Шинамгина жиҳозланган агитпункт хонасида газета ва журналларнинг янги сонлари, ошкоралик, демократиялаш ва қайта қуришга оид брошюралар, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатини кўриш мумкин. Айниқса, СССР халқ депутатлари сайлови ва жадаллаштириш стратегияси тўғрисидаги ҳужжатлар, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси материаллари сайловчилар диққатини ўзига тортмоқда.

Сайлов участкаси комиссиясининг раиси Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғининг кадрлар бўйича ўринбосари Мухтор Қодирбеков, сайлов участкасининг мудираси Евдокия Шестакова бир группа агитаторлар билан биргаликда «Сайловчилар овози» деворий газетаси устида ишлаётган экан. Улар агитаторларга янги кўрсатмалар бериб, сайловчиларни СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилган Ҳ. Рўзиевнинг ҳаёти ва фаолияти билан яқиндан таништиришни уқтирдилар.

— Агитпунктда оммавий-пропаганда группасига сайлов участкаси секретари Нозима Исроилова бошчилик қилмоқда. Трамвай-троллейбус бошқармаси ва мактаб-интернат ўқитувчилари ҳамкорлигидаги лекторлар группаси «Партия XXVII съезди қарорлари—амалда», «Қайта қуриш ва жадаллаштириш йўлида», XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси материаллари мавзуида лекциялар ўқидилар. Сайловчилар қизиқарли лекция ва суҳбатлардан мамнун бўлишяпти.

Агитпункт доим сайловчилар билан гавжум. Айниқса, трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг 1-троллейбус депоси юрисконсультанти В. Степанянцнинг «Совет социалистик турмуш тарзи» мавзуида ўтказган суҳбати қизғин мунозара билан якунланди. Дунёда биринчи социализм мамлакати ютуқлари, совет социалистик демократиясининг тантанаси жонли мисоллар билан тарғиб қилинди.

Сайловчиларни рўйхатга олишда агитаторлар фаол иштирок этдилар. Д. Шапочникова, И. Русина, Т. Пак, К. Қосимхўжаева, Н. Қорабоев, А. Пўлатовлар иш планлари асосида биринчи овоз берувчи ёшларни сайловга оид қизиқарли материаллар билан таништирдилар. Бу ишчан агитаторлар навбатчилик қилган куни агитпункт хонаси гавжум бўлади.

**М. ОРИПОВ.**

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

●

**Фаластин Озодлик ташкилоти АҚШ ва Совет Иттифоқи раҳнамолигида Яқин Шарқ масаласини ҳал этиш юзасидан музокаралар ўтказилишига розилик билдирди.** Рейтер агентлигининг хабар қилишига қараганда, бу ҳақда журналистларга Тунисда бугунга белгиланган навбатдаги Америка — Фаластин учрашуви арафасида Фаластин Озодлик ташкилоти ижроия комитети раиси Я. Арафатнинг маслаҳатчиси Б. Абу Шариф журналистларга маълум қилган. Унинг сўзларига қараганда, Фаластин Озодлик ташкилоти босиб олинган территориялардаги Исроил қўшинларининг Америка қўшинлари билан алмаштирилишига розилик билдиришга ҳам тайёр.

●

**АҚШ Энергетика ва электрлаштириш министрлиги эълон қилинмаган ядро портлатишларни мунтазам амалга ошириб келяпти.** 1963 йилдан шу кунгача Калифорния технология институти сейсмология лабораториясининг ходимлари ана шундай портлатишлардан 114 тасини қайд этишди, бу Қўшма Штатларнинг ана шу давр ичида ўтказган жами ядро синовларининг тахминан 20 процентини ташкил этади. «Бу летин оф атомик сайнетистс» журнали ана шундай маълумотларни келтиради.

●

**Американинг денгизда жойлашган «Трайдент—2» қитъалараро ракетаси «Теннесси» атом сув ости кемасидан учирилганидан сўнг океан устида портлаб кетди.** Биринчи босқич двигатели ишга тушганидан сўнг 4 секунд ўтгач ракетанинг бошқариб бўлмайдиган ўз ўқи атрофида айланиши бошланди ва ўз-ўзини йўқотиш механизми ишга тушди. «Теннесси»га шикаст етгани йўқ. Ракета билан қуролланган сув ости кемаси бортидан «Трайдент—2»нинг ушбу биринчи учирилиши Флорида штати соҳиллари яқинида, Канаверал бурунидан 75 километр шарқда амалга оширилди.

●

**Бразилия авиация министрлиги камида 21 киши ҳалок бўлган ва 200 киши жароҳатланган транспорт самолётининг фалокати сабабларини текширишга киришди.** Медиклар экипажнинг барча уч аъзоси самолёт қулаётган пайтда ҳалок бўлган, деб ҳисоблашмоқда. Авиалайнер қулаган Сан-Паулу шаҳри чеккасида асосан кулбаларда истиқомат қилувчи аҳоли фожианинг ердаги қурбони бўлган. Телевидениенинг хабар қилишига қараганда, жабрланганлардан 200 га яқин кишига касалхонада ёрдам кўрсатилган.

●

**Жамму ва Кашмир штатларининг бош министри Фарруҳ Абдулла Покистонда Кашмирга йўллаш учун бузғунчи элементлар тайёрланаётганлиги муносабати билан жиддий ташвиш билдирди.** У қонун чиқарувчи кенгашда сўзга чиқиб Покистоннинг бюджетида Кашмир ёшларини диверсия-бузғунчилик фаолияти усулларига ўргатиш учун махсус маблағлар кўзда тутилган, деб маълум қилди.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

# Ҳақиқат кўзи билан

## Партия тарихи институтидаги илмий мунозара

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти ташкил этган илмий мунозара ўтиш даврида Туркистон, Бухоро, Хоразм ва Ўзбекистон Коммунистик партияларида ўткир кечган ички партиявий кураш муаммоларига бағишланди. Ушбу йиғинда илмий-тадқиқот институтларининг олимлари, Тошкент, Олмаота, Самарқанд, Андижон, Бухоро олий ўқув юртлари КПСС тарихи кафедраларининг муаллимлари иштирок этдилар.

Нотиқлар партия тарихи фанининг ана шу бўлими алоҳида танқидий идрок этишни, ўрганиш ва баҳо беришга янгича ёндашувларни тақозо этаётганлигини таъкидладилар. Ҳақиқатни айтишга якка ҳокимлик ҳукм сурган Сталин даврида партия ичидаги ҳар қандай келишмовчиликлар дарҳол сиёсий зиддиятга айлантириб юборилар, бошқача фикр юритувчилар эса партия, давлат ва халқнинг душманлари деб эълон қилинар эдилар. Ўша даврдаги ғоявий курашнинг, жумладан Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги ана шундай курашнинг характери тўғрисидаги ҳақиқатни тиклаш — тарихчиларнинг муҳим вазифасидир.

Ижодий мунозара қатнашчилари Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида региондаги коммунистик ташкилотларда содир бўлган жараёнларни холисона, далил-исбот билан, тарихий ҳақиқат позициясидан туриб ёритишга ҳаракат қилдилар. Ўша даврда қабул қилинган, региондаги республикалар Компартияларидаги «Партияга қарши гуруҳлар»нинг позицияларига ва амалий фаолиятига сиёсий баҳо баён этилган партия ҳужжатларини чуқур танқидий таҳлил этиш, эндиликда партия қоралаган «Ёрлиқ ёпиштириб» бадном этишдек тажрибадан қатъиян воз кечиш, партия ички кураши чоғида ана шу гуруҳларнинг конкрет ҳаракати ва таклифларини батафсил ва холисона ўрганиш зарурлиги таъкидланди.

Мунозара чоғида, ана шундай ижодий баҳслар тадқиқотчиларга ўтмиш фактлари ва воқеаларига янгича, далил-исбот билан баҳо беришни ишлаб чиқишда, ҳақиқатни рўёбга чиқаришда, тарихимиздаги ўчиб кетаёзган саҳифаларни тезроқ тиклашда ёрдам беради, деб ишонч изҳор этилди.

(ЎзТАГ).

